Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 2 апрель, № 63 (5993) Чоршанба

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



Наманган шаҳридаги “Рауф азиз” хусусий корхонасида навбатдаги лойиҳа ижроси учун 200 минг АҚШ долларилик инвестиция йўналтирилди.

Инвестиция туфайли салоҳияти юксалди

Эндиликда бу ерга ўрнатилган илғор тикув ҳамда пресслаш дастгоҳлари ёрдамида йилига юз минг дона бежирим кийим-кечак тайёрлаш мумкин. Эътиборли жиҳати, айни жараёнда корхонада эркаклар костюм-шими ва қишки кийимлар билан бирга, болалар либослари тикиш ҳам йўлга қўйилди.

Айтиш лозимки, хусусий корхонадаги технологик янгиланишлар жамоанинг истеъмол бозоридаги мавқеини сезиларли оширди. Бу, жумладан, 2013 йил якунлари бўйича 558,3 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, олдинги йилдагига нисбатан тўрт баравар ўсишга эришилганида ҳам яққол кўринади.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Интернет орқали реклама

Қарши шаҳридаги турли дизайнда либослар тайёрлашга ихтисослаштирилган “Cotton road” қўшма корхонасининг интернетда веб-сайти яратилиши бир пайтнинг ўзида юзлаб мамлакатлардаги мижозларга янги турдаги маҳсулотларни реклама қилиш имконини бермоқда.

Қолаверса, бу жамоанинг ташқи бозорда муваффақиятли фаолият олиб боришида ҳам муҳим омил бўлаяпти. Хусусан, 2013 йил давомида 1 миллион 817 минг АҚШ долларидан ортиқ маҳсулот “Cotton road” ёрлиғи остида Европа бозорларига чиқарилди.

Яқинда Шаҳрисабз шаҳрида корхонанинг янги филиали ишга туширилди. Натижада бу ерда 34 кишининг бандлиги таъминланиб, аёллар, эркаклар ва болалар учун мўлжалланган 20 хилдаги трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тежамкорлик — барака омили

“Музработ нон” МЧЖда ишлаб чиқарилаётган макаронни ҳар қанча қайнатманг, шаклини йўқотмайди, мазаси эса оғзингизда қолади.

Шу жиҳати билан маҳсулот уй бекаларига манзур бўлмоқда. Яна бир янгилик. Ушбу корхонада амалга оширилган 80 минг АҚШ долларилик модернизациялаш тадбирлари туфайли ишлаб чиқариш ҳажми икки баробар ортди.

— Италиядан келтирилган дастгоҳлар ёрдамида хамирга кучли босим остида ишлов берилса, макарон сифатли бўлади, — дейди тадбиркор Асомиддин Муртазоев. — Бу ускуналар қарийб уч баробар кам энергия сарфлаб, турдошларидан бир неча марта унумдор эканлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янги технология асосида

Хивалик тадбиркор Одилбек Оллаёров сутни янги технология асосида қайта ишлашни йўлга қўйди.

Яъни қуюлтирилган сут тайёрлаш учун хом ашё паст ҳароратда 12 соат қайнатилади. Кейин унга инсон саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган зарур моддалар қўшилади ва бежирим идишларга қадоқланади. Муҳими, сутнинг табиий таъми ва таркиби умуман ўзгармайди. Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган ўнга яқин турдаги маҳсулотлар ҳам янги технология ёрдамида ишлаб чиқарилмоқда. Умуман, корхонанинг сут маҳсулотлари юқори сифати ҳамда табиийлиги билан барчага бирдек манзур бўлмоқда.

Тадбиркор ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 100 миллион сўмлик сармоя йўналтирди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бебаҳо неъмат қадри

Президентимизнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Турли халқаро конференция, анжуман ва кўргазмаларда иштирок этиш мақсадида ёки тарихий шаҳарларимизни зиёрат қилиш ниятида юртимизга ташриф буюрган хорижликлардан сафар таассуротлари ҳақида сўраганимизда, аввало, халқимизнинг самимий, меҳр-оқибатли ва ўзаро ҳамжиҳат эканлигини ҳавас билан тилга олишади.

МУШОҲАДА

Дарҳақиқат, аждодлардан мерос эзгу анъаналар, қадриятларга содиқ қолиб, доимо энг яхши фазилатларини намоён этишга, бир тану бир жон бўлиб, Ватан равнақига ҳисса қўшишга интиладиган, ҳамиша дуога қўл очганда, бутун дунёда тинчлик-омонлик бўлишини сўрайдиган халқимиз ҳар қанча ҳурматга, эътирофга лойиқ.

Аҳиллик, бирдамлик ҳукм сурган жойдан ҳеч қачон қут-барака аримайди, дейишади. 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек, тинч-тотув яшаётган Ўзбекистонимиздаги ажойиб муҳит айни шу ҳаётий ҳақиқатнинг амалий тасдиғидир. Байрамларимиз, тарихий саналаримиз билан боғлиқ тантаналаримиз борки, миллати, тили, динидан қатъи назар, мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар қайси инсон унда иштирок этади, кўнглини кенг ёзиб, хурсандчилик қилади. Айниқса, энг қадимий ва асл миллий айём — Наврўз кунларида ушбу жиҳатлар янада яққолроқ кўзга ташланади. Қайси қишлоқ ёки маҳаллага борманг, сумалак, ҳалимнинг ёқимли иси димоғингизга урилади. Баҳорнинг ушбу тансиқ таомларини тайёрлаш баҳонасида қўни-қўшни, ёру биродарлар бир жойга жам бўлиб, ўйин-кулги қилаётганига, ширин суҳбатлар қураётганига гувоҳ бўласиз. Бирор бир хонадонга кирсангиз, дастурхонга тандирдан эндигина узилган иссиқ кўксомса қўйилиб, “Олинг, меҳмон”, дея лутф кўрсатилади. Табаррук кексалар, беморлар, меҳрталаб инсонлар ҳовлиси ҳар қачонгидан кўра гавжумлашгани кўзга ташланади.

Президентимиз Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида элимизнинг бундай бетакрор фазилатлари ҳақида алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай дедилар: “Шу мўътабар айёмда беморлар, етимесирларнинг, муҳтож инсонларнинг кўнглини, руҳини кўтариш, барча савоб ишларни амалга ошириш — буларнинг ҳаммаси халқимизнинг қон-қони, онг-онгига сингиб кетганидан, яхшилик ва эзгуликни доимо юрагида сақлаб келаётганидан дарак беради.

Айни шундай пайтларда ўзимга ўзим бир савол бераман. Дунёда бизнинг меҳрибон, меҳмондўст халқимизга ўхшаган халқни топиш мумкинми ўзи? Аминман — ҳеч қачон!”

(Давоми 2-бетда).

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан парламентга кўриб чиқиш учун киритилган давлат ҳокимияти тизимини янада демократлаштиришга, давлат бошқаруви принципларини амалга оширишнинг конституциявий механизмларини такомиллаштиришга йўналтирилган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Қонунда ҳокимият тармоқларининг ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш тизимининг энг муҳим тартиб-таомилларидан бири — парламент назоратини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ — ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ

Таъкидлаш лозимки, парламент назорати — халқ ҳокимиятчилиги принципини амалга оширишни таъминлайдиган энг демократик назорат шакли бўлиб, мазкур вакиллик органи бевосита фуқаролар томонидан сайловлар жараёнида шакллантириладиган ҳокимият тармоғи орқали амалга оширилади.

Юртимизда парламент назорати функцияси ҳам изчил, босқичма-босқич ривожланди, унинг асосий шакллари 1992 йилда, яъни мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган пайтданоқ мустаҳкамлаб қўйилган эди. Масалан, молия ва бюджет сиёсатини амалга ошириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тақдимига кўра, Ўзбекистон Республикаси бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш каби парламент назорати шакли кўзда тутилганди. Парламентнинг мутлақ ваколатлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; бир қатор давлат органлари раҳбарларини лавозимга сайлаш, тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш ваколатлари ҳам белгиланган эди.

Умумхалқ референдуми натижасида 2003 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантириш ҳамда унинг фаолият кўрсатишини, ҳукумат ва бошқа ҳокимият органлари ваколатларининг конституциявий асосларини аниқ белгилаб бериши билан бир қаторда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг назорат ваколатларини сезиларли даражада кенгайтирди. Конституциямизда Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгарлиги тўғрисидаги ҳамда бошқа нормаларнинг мустаҳкамланиши ҳам парламент назоратини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

(Давоми 2-бетда).

ЭЛЕКТРОН ХАЗИНА

Тезкор ахборот олиш, жаҳонда кечаётган воқеа-ҳодисалардан хабардорлик ҳозирги замон кишиси учун муҳим эҳтиёжга айланган. Электрон кутубхоналар ана шу сингари заруратларни ўз вақтида, осон ва қулай тарзда қондиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошида ташкил этилган зиё масканида ҳам китобхонларга хизмат кўрсатишнинг янги, халқаро амалиётда синалган услублари ва илғор дастурий маҳсулотлар тизимли асосда жорий этилган. Президентимизнинг 2012 йил 5 сентябрдаги “Корея Республикаси Ҳукумати грантини жалб этган ҳолда “Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ва Тошкент давлат шарқшунослик институтида электрон кутубхоналар яратиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида фойдаланишга топширилган ушбу кутубхона замонавий, юқори самарали компьютер технологиялари билан жиҳозланган. Чунончи, юздан ортиқ компьютер жамланмаси, сканерлар, ўндан зиёд лазерли принтер ҳамда нусха кўпайтириш, муқовалаш аппаратлари мавжуд бўлиб, бу ерда маълумотларни ички ва узоқ масофадан туриб фойдаланишда тезкор ишлаш имкониятини таъминловчи автоматлаштириш тизими жорий этилган. Қолаверса, маълумотларни излаш, олиш учун визуал ҳамда виртуал ахборот тақдим этган ҳолда интерфаол ахборот воситалари, фаол панеллар, мониторлар орқали кутубхонадан фойдаланувчиларни хабардор қилишнинг замонавий тизими ҳам ишлаб турибди. Марказимизнинг Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ва бошқа бир қатор кутубхоналар, жумладан, хорижий ахборот-кутубхона муассасаларининг электрон ресурс базаси тармоғига уланиш имконияти мавжудлиги унинг қамрови нақадар кенг эканидан далолатдир.

(Давоми 4-бетда).

ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари навбатдаги ўқув йиғини тингловчиларининг битирув маросимига бағишланган тадбир ўтказилди.

Сержантларга дипломлар топширилди

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, Бош прокуратура, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, ота-оналар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Ички ишлар вазири, генерал-майор А. Ахмедбаев ва бошқалар алоҳида эътироф этганидек, ички ишлар идораларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Хусусан, тизимдаги жиноят қидирув, терроризмга қарши кураш, тергов, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, ёнғин хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари фаолияти давр талаблари даражасида такомиллаштирилиши ҳисобига юртимиз тинчлиги ва осойишталиги ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўла таъминлаб келинаётир. Бунда, албатта, соҳани малакали ва юксак салоҳиятга эга кадрлар билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 4-бетда).

ЮҚОРИ МАЛАКА ВА БИЛИМ

маҳаллалар фаолиятини такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этади

Бугун мамлакатимизда маҳалла институтининг нуфузини янада ошириш, унинг ислоҳотлар жараёнидаги иштироки ва ролини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Натижада маҳалла фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини сифатида ўзини намоён этаётир. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлим ва бўлинмалари ходимлари учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган икки кунлик ўқув-семинарларда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

СЕМИНАР

Жамоат фонди мутахассисларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий билимларини янада ошириш ҳам кўзда тутилган машғулотларда Адлия, Халқ таълими, Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Бош прокуратура, Дин ишлари бўйича қўмита, Республика Маънавият тарғибот маркази, Савдо-саноат палатаси, Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ЁИҲ, Касаба уюшмалари Федерацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ходимлари ҳамда олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Маълумки, Президентимиз раҳнамолигида юртимизда ҳуқуқий демократик жамиятни барпо қилиш, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини рўёбга чиқаришга қаратилган ишлар изчил давом эттирилаётир. Натижада давлат бошқаруви демократлаштирилиб, ҳокимият органлари ваколатларига кирувчи ижтимоий-иқтисодий хусусиятдаги 30 дан ортиқ вазифалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилди. Айни чоғда маҳалла қўшничилик, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик ва эзгулик, муҳтожларга ғамхўрлик кўрсатиш, ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, умуминсоний қадрият ва анъаналарни асрагувчи ҳаёт мактаби сифатида ҳам шаклланди. Ўз навбатида, юртимиздаги 10 мингга яқин фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунларда белгиланган вазифаларини самарали амалга оширишда услубий ва амалий кўмаклашишда Фонд ва унинг ҳудудий тузилмалари ҳам, шубҳасиз, муҳим ўрин тутади. Шу боис тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг билим ва малакасини мунтазам ошириб бориш замон талабидир.

Илғор ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда ўтказилган машғулотларда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, давлатимиз раҳбарининг “Юксак маънавият — енгилмас куч” китоби ҳамда Конституциямизнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси мазмунмоҳияти, улардаги асосий ғоялар, “Соғлом бола йили” Давлат дастуридан келиб чиқадиган устувор вазифалар хусусида атрофлича сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда).

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ — ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Парламент иккала палатасининг биргаликдаги ваколатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан, Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш ваколати киритилди, илгари эса парламент Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош вазирни тайинлаш тўғрисидаги фармонини тасдиқлар эди, холос. Ҳисоб палатаси ҳисоботини кўриб чиқиш каби парламент назоратининг муҳим шакли жорий этилди. Сенатнинг мутлақ ваколатларига Бош прокурорнинг, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раисининг, Марказий банк бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш киритилди. Бундан ташқари, Сенат Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш, амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ваколатларига эга бўлди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси парламент ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари ролини янада кучайтириш борасида муҳим аҳамият касб этди. Концепциянинг асосий қоидаларига мувофиқ, 2011 йил апрель ойида Конституциянинг бир қатор моддаларига ўзгартишлар киритилиб, парламентга мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазир ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш, Сенатга эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш каби қўшимча назорат функциялари берилди. Конституциявий бошқарув амалиётида биринчи марта мамлакат Бош вазирига нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш каби парламент назоратининг янги институти жорий этилди.

Мамлакатимизда давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар бўйича тўпланган тажриба, Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ ва Япония каби демократик мамлакатлардаги конституциявий тараққиёт амалиётининг таҳлили Ўзбекистонда танланган парламент назорати тизимининг ҳақиқий демократик моҳиятидан далолат беради.

Шу билан бирга, давлат қурилиши соҳасидаги демократик ислоҳотлар ва ўзгаришлар жараёни бир муддатлик эмаслигини, у мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий вазият ривожига, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ўсиши, сиёсий, ҳуқуқий маданияти ошиб боришига мутаносиб равишда доимий тараққий этиб боришини аниқ-равшан тасаввур этиш жуда ҳам муҳимдир. Табиийки, ушбу ўзгаришларнинг барчаси қонунларда, аввалambор, Конституциямизда ўз ифодасини топиши, мустаҳкамланиши лозим. Қонунчилик базаси, давлат бошқаруви тизимининг ижтимоий муносабатлар ривожланиш даражасига мувофиқлиги — барқарор тараққиёт ва демократик ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Ҳаётнинг ўзи, давлат қурилиши борасидаги халқаро тажриба, агар қонунчилик ривожланмаса, реал ҳаётга мос бўлмаса, зиддиятлар жамиятда қарама-қаршиликларга, энг оғир ва кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан илгари сурилган Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси қоидалари давлат ҳокимиятини, жамият қурилишини янада демократлаштириш, шу жумладан, парламент назоратининг аҳамияти ва самарадорлигини ошириш учун зарур шарт-шароит яратади. Хусусан, Конституциянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларини тартибга соладиган 78-моддаси янги норма билан тўлдирилмоқда. Унга биноан, иккала палатанинг биргаликдаги ваколатларига парламент назоратини амалга ошириш киритилмоқда. Шу тариқа конституциявий амалиётимиз тарихида парламент назорати институти биринчи марта конституциявий даражада мустаҳкамланмоқда.

Конституциянинг 98-моддасига киритилаётган ўзгартишларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этиш мажбурияти юкланмоқда.

Ушбу моддада, шунингдек, Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқилаётган ва тасдиқланаётган пайтда Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракат дастурини тақдим этиши белгиланаётир.

Шунингдек, Конституцияга юқорида кўзда тутилган ўзгартишларнинг киритилиши давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги миллий қонунчиликни, бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича бир қатор вазифаларни ҳал қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Аввалambор, улар парламент назоратини амалга оширишнинг мақсади, вазифалари, принциплари, замонавий шакл ва усулларини аниқ белгилаш, шунингдек, унинг субъекти ва объектларини аниқлаштиришга қаратилган "Парламент назорати тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш учун тегишли конституциявий-ҳуқуқий асосларни яратади. Назаримизда, ушбу қонун устида ишлаш жараёнида мазкур соҳадаги илғор хорижий тажрибани ҳар томонлама ва танқидий таҳлил қилиш долзарб бўлиб, бу парламент амалиётига парламент назоратини амалга оширишнинг замонавий ва самарали механизмларини жорий этиш имконини кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенатининг регламентлари ҳам янада такомиллаштирилиши тақозо этилади, хусусан, бу борада парламент назоратини амалга ошириш механизмларини — парламент эшитувларини ўтказиш таомили; бюджетни кўриб чиқиш тартиби; Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йили тақдим этиладиган маърузаларини кўриб чиқиш тартиби; Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқилаётган ва тасдиқланаётган пайтда Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракат дастурини тақдим этиш тартиби ҳамда бошқа масалаларни аниқ белгилаб қўйиш устувор саналади.

Парламент назорати соҳаси ва мазмунининг янада кенгайиши Вазирлар Маҳкамаси ҳамда давлат бошқаруви органлари фаолиятини тартибга соладиган қонунчиликка ҳам давлат бошқаруви амалиётига парламент ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари билан ҳамкорлик қилишнинг сифат жиҳатдан янги шакл ва усулларини жорий этишни кўзда тутадиган тегишли ўзгартишлар киритишни талаб қилади.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг конституциявий асосларини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг сиёсий ҳамда иқтисодий ҳаётини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, фуқаролик жамиятини ислоҳ этиш ҳамда демократик ривожланган замонавий давлатлар сафига киришдек узоқ муддатли мақсадга эришишнинг янада мустаҳкам асосини таъминлайди.

Беҳзод НАБЕРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари.

ЮҚОРИ МАЛАКА ВА БИЛИМ

маҳаллалар фаолиятини такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни чоғда янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунлар мазмунмоҳияти мутахассислар томонидан чуқур таҳлил қилинди.

— Ўқув-семинар бизда илиқ таассурот қолдирди, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Каттақўрғон шаҳар бўлинмаси раиси Азим Юсупов. — Тадбирда Президентимизнинг асарлари ва маърузаларида илгари сурилган устувор вазифалар, "Соғлом бола йили" Давлат дастури моҳияти ва аҳамияти билан яқиндан танишиш баробарида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар ишини самарали ташкил этиш масалалари муҳокама этилди. Айни чоғда маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш марказига айлантириш бўйича зарур кўникмалар ҳосил қилдик. Бундан ташқари, маҳалланинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини самарали ташкил этиш, "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлигини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасини амалга оширишда фуқаролар йиғинларига услубий ва амалий кўмаклашишни такомиллаштириш борасидаги тажрибамиз ҳам ошди.

Урганч шаҳрида ўтказилган ўқув-семинарда ҳам маҳалланинг жамият ҳаётидаги роли ва нуфузини янада ошириш, тизим фаолларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий билимларини бойитишга алоҳида эътибор қаратилди.

Машғулотларда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди тизими ходимлари ва савдо вазири, Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирининг ўринбосари М. Мацушима ҳамда Япония иқтисодий тикланиш катта вице-вазири, парламент депутати Я. Нишимура нутқлари катта қизиқиш билан тингланди.

Нашрда алоҳида урғу берилишича, Япония бош вазирининг ўринбосари, мамлакат молия вазири Т. Асо, Япония иқтисодий тикланиш давлат вазири А. Амари, ички ишлар ва коммуникациялар вазирининг катта ўринбосари Й. Камикава, вакиллар палатаси депутати Т. Никай, парламентнинг юқори палатаси депутати, Японияннинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси К. Накаяма ва бошқалар Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлашар экан, икки мамлакат ўртасидаги стратегик шерикликни жадаллаштириш учун ҳар томонлама кўмак кўрсатишга тайёр эканликларини изҳор этдилар.

Бўлиб ўтган анжуман чоғида Ўзбекистон вазирликларининг раҳбарлари савдо-иқтисодий, саноат, телекоммуникация, ишлаб чиқариш ва сармоя соҳаларида истиқболли қўшма лойиҳаларининг тақдимотларини ўтказди. "Мицубиши корпорейшн", NEC, "Иточу корпорейшн" компанияларининг вакиллари, шунингдек, Нагоя, Жунтендо университетлари профессорлари ва бошқалар ўзларининг Ўзбекистонда муваффақият билан амалга ошираётган лойиҳалари билан тадбир иштирокчиларини таништирдилар.

«Жаҳон» АА.
Токио

Ўзбекистон — Япония ҳамкорлиги мавзуси «The Japan Times» саҳифасида

Яқинда Японияда чоп этиладиган етакчи нашрлардан бири — "The Japan Times" газетасида "Ўзбекистон — Япония ҳамкорлиги форуми" сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Унда Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигига бағишлаб Токиода ўтказилган анжуман якунлари кўп сонли газетхонлар эътиборига ҳавола қилинган. Шу билан бирга, Тошкентда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз айёмига бағишланган тантанали маросим лавҳалари акс этган суратлар туркуми ҳам газета саҳифасидан жой олган.

■ ДУНЁ НИГОҲИ

"The Japan Times"да мамлакатимизнинг Токиодаги дипломатия миссияси томонидан ташкил қилинган мазкур тадбирда Япония ва Ўзбекистоннинг давлат арбоблари ҳамда ишбилармонлари қатнашгани алоҳида қайд этилади. Газетада ёзилишича, Ўзбекистон — Япония ҳамкорлиги анжуманида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар

Қисқа сатрларда

● "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан "Муҳаммад Юсуф ижодида ватанпарварлик ғоялари" мавзуида онлайн мулоқот ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи, хорижда таҳсил олаётган, www.kamolot.uz веб-сайтида рўйхатдан ўтган 5 мингга яқин ўғил-қиз, веб-сайтнинг доимий ўқувчилари, адабиёт ихлосмандлари ўз фикр ва мулоҳазалари билан қатнашди.

● **Пойтахтимизда таълим тизимида иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалаларни ўрганишни такомиллаштириш мавзуига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавфларни бошқариш бўйича хабардорликни ошириш, олий таълим муассасалари учун махсус ўқув дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан атроф-лича фикр алмашилди.**

● Термиз шаҳрида "Ёш чегарачилар" ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг Сурхондарё вилояти босқичи якунига етди. Унда Термиз шаҳри ва туманлардаги касб-ҳунар коллежлари ўртасида ўтган саралаш босқичларида ғолиб чиққан жамоалар ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, биринчи тиббий ёрдам, тарих, инглиз тили ва бошқа йўналишлар бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

● **Андижон вилоятида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасидаги фанлар олимпиадасининг вилоят босқичида 12 та академик лицей ҳамда 117 касб-ҳунар коллежининг 1034 нафар ўқувчиси 14 та умумтаълим фани бўйича ўз билим ва иқтидорини синовдан ўтказди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Бебаҳо неъмат қадри

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Биз, мана шундай бебаҳо муҳитда, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат тушунчалари улуғланадиган, ҳар бир миллат вакиллари учун тенг ҳуқуқли шароит яратилган гўзал заминда яшаётганимиздан чексиз фахрланамиз, — дейди Корейс миллий маданият марказлари ассоциацияси раиси Виктор Пак. — Муқаддас заминимизда, хусусан, корейс миллатининг ўзига хос маданияти, урф-одатларини сақлаш, ривожлантиришга жуда кенг йўл очиб берилган.

Баҳор байрами барибир бошқача. Чунки унда анъаналар, қадриятлар кенг намойиш қилинади, жонажон Ватанимизни улуғловчи куй-қўшиқлар ижро этилади. Улар ҳар биримизнинг қалбимизга ўзгача қувонч ва фахр олиб келади, руҳимизни янада кўтариб, юртимиз ривожи йўлида муносиб ҳисса қўшишга ундайди.

Бундай самимий фикрларни ҳар бир юртдошимиздан эшитиш мумкин. Албатта, мамлакатимизда рўёбга чиқаётган эзгуликларнинг таг-замирида давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ётибди. Аслида бугунги мураккаб замонда бунга эришиш ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Негаки, ҳалиҳануз дунёнинг турли ҳудудларида можаро ва қарама-қаршиликлар, низолар, қуролли тўқнашувлар давом этаяпти. Улар бизни доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишга, осуда ҳаётимиз ҳар бир кунининг қадрига етишга ундайди.

Истиқлол берган имкониятлар ҳақида қанча гапирсак арзийди. Мустақиллик туфайли диёримизнинг ҳар бир гўшаси тобора чирой очиб бораяпти. Янгидан-янги бинолар, маданий-маиший иншоотлар қад ростламоқда, таълим муассасалари, йўллар, кўприклар қурилмоқда, қисқаси, инсон яхши яшаши учун нимаики зарур бўлса, барчаси яратиб берилмоқда. Доимо тўйни тўёна билан қарши олиш ўзига хос одатга айланган мамлакатимизда айни Наврўз кунлари бу хайрли амаллар яна бир карра бўй кўрсатди. Газеталарда берилган хабар ва мақолалар орқали уларнинг кўпидан хабардорсиз. Шундай бўлса-да, айримларини мисол сифатида келтириб ўтсак: пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида янги "Lokomotiv" маданият ва истироҳат боғининг фойдаланишга топширилгани Соғлом бола йилида эртамиз эгалари учун ажойиб совға бўлди. Ёки Фарғонада вилояти қўғирчоқ театри томошабинларни янги бинода кутиб олгани ҳудуд аҳолисининг байрам кайфиятини янада кўтаргани рост. Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманида замонавий маданият маркази ишга туширилганидан кексаю ёш бирдек хурсанд. Қашқадарёда Қарши давлат университетининг 1500 ўринли янги ўқув биноси фойдаланишга топширилгани ёшлар учун ўзига хос туҳфа бўлди. Олис қишлоқ ва овулларда ҳам савдо шохобчалари, маиший хизмат кўрсатиш бинолари тўёна сифатида тақдим этилди. Автомобилсозларимиз ҳам эзгу анъанадан четда қолганлари йўқ. Улар Наврўз арафасида "Chevrolet Orlando" оилавий автомобилини омма эътиборига ҳавола қилишди. Ўзининг бетакрор дизайни, юқори хавфсизлик тизими ва техник хусусиятлари билан ажралиб турадиган ушбу автоулов халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш билан бирга, жаҳон бозорида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғининг нуфузи юксалишига ҳам хизмат қилиши, шубҳасиз.

— Булар тинчлик ва осойишталик меваларидир, — дейди пойтахтимизнинг Учтепа туманида яшовчи меҳнат фахрийси Асатилла Иброҳимов. — Тинчлик бўлса, ҳаловат бўлади. Ҳаловатли элнинг баҳори ҳам, ёзи ҳам, кузию қиши ҳам, қўйингки, ҳар бир куни файзли ва тароватли ўтади. Албатта, бунинг қадрига етиш керак. Чунки дунёда хотиржам ҳаётга эришишни неча кунлаб, ойлаб, борингки, йиллаб кутаётган мамлакатлар ҳам йўқ эмас. Фарзандлари келажагини, уларнинг беғубор кулгисини кўриш баъзи халқлар учун армон бўлиб қолаётгани айни ҳақиқат.

Юртимизда олиб борилаётган сиёсат, бу — тинчлик сиёсати! Президентимиз Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида: "Ўз осмонининг мусаффо бўлишини, тинчлик барқарор бўлган ҳаётни истайдиган халқимиз ўзгаларга ҳам айни шундай тилакларни раво кўради" дея айни дилимиздаги гапни айтдилар. Чиндан ҳам, бизларга фақат тинчлик керак. Ёшларга насиҳат қилганда ҳам "Бугунги ёруғ кунларимизни асраб-авайланглар, мустақиллиққа муносиб фарзанд бўлинглар", дея уқтирамиз. Ахир улар учун ҳамма имкониятлар муҳайё қилинган. Кўз тегмасин, кошонадек мактабларда, институтларда ўқишаяпти. Касб-ҳунар ўрганишяпти. Ота-оналарининг орзу-ҳавасини рўёбга чиқаришаяпти. Буларнинг барчаси, сўзсиз, истиқлол туфайли, осойишталик туфайлидир. Ниятимиз, ёшу қари демай, ёлғиз демай, ҳаммага бирдек ғамхўрлик қилаётган Президентимиз соғ-омон бўлсинлар!

— Инсон умрининг энг ёрқин, беғубор ва унутилмас дамлари айнан ёшлик даври билан боғлиқ бўлса, йилнинг энг гўзал, бетакрор онлари фасллар келинчаги ўз яшил сепини ёйган, дарахтлар куртак очган, боларилар инидан қўзғалган, атрофга ажиб бир ёқимли ис таралган дамлар билан боғлиқдир, — дейди Пискент туманидаги 1-умумтаълим мактаби директори, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳибаси Марҳабо Қурбонова. — Шунинг учун ҳам бу икки тушунча ҳақида гап кетганда, бир-бирига ўхшатиш қилинади. Бугун ҳар биримиз чексиз фахрланамизки, фарзандларимизнинг эртаси, ёрқин келажаги учун муносиб пойдевор қўйилмоқда. Ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишлари йўлида барча куч ва имкониятлар ишга солинаяпти. Мактаблар, лицей ва коллежлар, олий таълим даргоҳлари, маданият ҳамда спорт объектларида замон талабларига мос шароитлар яратиб берилаётир. Ана шу саъй-ҳаракатларнинг бекаму кўст рўёбга чиқишида жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Шубҳасиз, Соғлом бола йилида бу борадаги тадбирлар янада кенг кўлам касб этади. Қабул қилинган Давлат дастури доирасида жами 4 триллион 509 миллиард сўмдан зиёд ва салкам 303 миллион доллар миқдорида маблағ сарфланиши белгиланганининг ўзиёқ жуда кўп нарсани англатади. Демак, юртимиздаги ҳаёт сифати янада ошади, турмушимиз бугунгидан фаровон бўлади...

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Янги йилни қандай кайфиятда кутиб олсанг, ана шу кайфият йил бўйи ҳамроҳ бўлади, дейишади. Яшариш ва янгиланиш рамзи, шарқона янги йилнинг бошланиши — Наврўзи олам мамлакатимиз бўйлаб кўтаринкилик билан қарши олинди. Мана шу шукуҳ Ўзбекистонимизга доимо ҳамроҳ бўлсин. Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, ҳар бир хонадонга омад ва бахт ёр бўлсин!

Шавкат ОРТИҚОВ,
«Халқ сўзи» шарҳловчиси.

ЖАРАЁН

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ва юқори суръатларда ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, юртимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш каби муҳим масалаларга улар салмоқли ҳисса қўшаётгани ана шундан далолат беради.

Экспортчи тадбиркорларнинг ишончли таянчи

Президентимиз мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилгани экспорт фаолиятига 450 дан зиёд янги корхонани жалб этиш имконини берди. Бу борада Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилгани алоҳида ўрин тутади.

Хусусан, ушбу жамғарманинг Фарғона вилояти филиали жамоаси тадбиркорларга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатишда муайян ютуқларга эришмоқда.

— Тадбиркор экспортга мўлжалланган маҳсулот ва корхона тўғрисидаги маълумотлар акс этган тижорат таклифини тақдим қилгач, биз уни хориждаги ҳамкорларимизга юборib, шу орқали ишончли харидор топиб бераяпмиз, — дейди филиал директори Акрамжон Саидбоев. — Шу билан бирга, уларнинг хорижда бўладиган кўргазмаларда иштирок этишларига кўмаклашмоқдамиз. Жумладан, 2013 йилнинг 18 — 22 ноябрь кунлари Москва шаҳрида бўлиб ўтган "Мебель, фурнитура ва қопламали материаллар" 25-халқаро кўргазмасида вилоятимиздан 8 та корхона муваффақиятли қатнашиб, якунда улар хорижликлар билан 500 минг АҚШ долларилик экспорт шартномалари имзолашди.

> Дарҳақиқат, бугунги кунда филиал мутахассислари тадбиркорларга чет эллик ҳамкорларни топиш, шартномаларни тайёрлаш ва тузиш, экспорт қилувчилар манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирокини таъминлаш ҳамда хорижий давлатларнинг қонунчилиги бўйича зарур лицензия ва сертификатлар, бошқа рухсатнома ҳамда йиғимларни олишда юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатаётгани эътиборга моликдир.

Жамғарма томонидан 57 та хорижий ташкилот билан ҳамкорлик ўрнатилгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўз маҳсулотларини экспорт қилишда қўл келаётир. Мисол учун, 2013 йилнинг ноябрь ойида ўтказилган Ўзбекистон — Хитой бизнес форумида Шанси провинцияси Савдо-саноат палатаси қошидаги "Northwest Central Asia Business Co.LTD" компанияси билан битим имзоланган бўлса, шу анжуман доирасида Литванинг "Imlitex Textile, UAB" корхонаси вакиллари билан учрашув уюштирилди. Натижада улар Ўзбекистондан калава ип сотиб олишга қизиқиш билдиришди. Жамғарма ва "Northwest Central Asia Business Co.LTD" билан имзоланган ҳамкорлик битимига мувофиқ эса, Хитой давлатининг Шанси вилоятида шу ойда ташкил этиладиган "Буюк Ипак йўли" халқаро саноат маҳсулотлари кўргазмасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиз иштирок этадилар.

Бундан ташқари, жорий йилнинг январь ойида экспорт операцияларини амалга ошириш учун умумий қиймати 2 миллион 309 минг АҚШ долларилик 6 та шартнома рўйхатга олинган бўлса, февраль ойида бу кўрсаткич 2 миллион 567 минг долларга етиб, хориж билан ҳамкорлик қилаётган корхоналар сони 26 тани ташкил этди.

— Хорижликлар билан шериклик муносабатлари ўрнатишни анчадан буён ният қилиб юрардик, — дейди Қувасой шаҳридаги консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Ўзбегим" агрофирмаси раҳбари А. Қодиров. — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ёрдами туфайли бу эзгу орзуимиз ушалди. Унинг йўлланмаси билан Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган "Яшил ҳафталик" қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда озиқ-овқат саноати халқаро кўргазмасида қатнашиб, кўплаб харидорлар топиш ва шартномалар тузишга муваффақ бўлдик.

— Биз ҳам шу кўргазмадан бир олам таассуротлар билан қайтдик, — дейди Ўзбекистон туманидаги "Алифар" МЧЖ раҳбари А. Шерматов. — Тадбир асосида маҳсулотларимиз турларини тизимли таҳлил этиш ва унинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини аниқлашга оид маълумотларни қўлга киритганимиз жуда фойдали бўлди.

> Мухтасар айтганда, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва унинг Фарғона вилояти филиали экспортчи корхоналарнинг ишончли ҳамкори ва таянчи, яқин маслаҳатчиси сифатида иш юритаётгани ўз самарасини бермоқда.

Набижон СОБИРОВ.

«Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2014 йил 2 май куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 21 январдаги 19-1306/15625-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани «И.Тўраев» СИУ, Чунтош маҳалласида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами ЕЦ 33 24, носоз, «ВТ-150» русумли трактор.
Бошланғич баҳоси — 27 000 000 сўм.

* 2005 йида ишлаб чиқарилган, давлат рақами ЕЕ 16 20, носоз, «ТТЗ 80-11» русумли трактор.
Бошланғич баҳоси — 10 500 000 сўм.

2014 йил 17 апрель куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* Денов тумани СИБ томонидан хатланган, Денов тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, ЖИБ Денов тумани судининг 2013 йил 29 октябрдаги 02-80-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 19 В 93 13 бўлган «ВАЗ-21011» русумли автомашина.
Бошланғич баҳоси — 3 570 000 сўм.

* ЖИБ Денов тумани судининг 2014 йил 7 январдаги 1-348-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 N 977 EA бўлган «ГБА СПГ НЕКСИЯ» русумли автомашина.
Бошланғич баҳоси — 18 020 000 сўм.

* ЖИБ Денов тумани судининг 2013 йил 6 июлдаги 1-171-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 Р 998 СА бўлган «ГБА СПГ ВАЗ-21063» русумли автомашина.
Бошланғич баҳоси — 4 320 000 сўм.

Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 3 апрелдаги 19-1301/2708-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Сурхондарё-донмаҳсулотлари» ОАЖ ҳовлисида сақланаётган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 209 JAA бўлган «SAZ NP 37» русумли автобус.
Бошланғич баҳоси — 68 994 000 сўм.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2014 йил 17 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2014 йил 2 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Мурожаат учун телефон: (+99893) 792-78-18.

Гувоҳнома № 004059.

525R/165

«Тошкент труба заводи» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харидорларга тақдим этади.

Мисланган пайвандлаш сими
СВ08Г2С, ГОСТ 2246-70,
∅ 0.8, 1.0, 1.2, 1.4, 1.6, 2.1, 2.5, 3.5, 4.0, 5.0,
баҳоси 1 тонна учун 5 500 000 сўмдан бошлаб.

Тўқиладиган ва мих ишлаб чиқаришда қўлланиладиган сим,
∅ 0.8, 1.0, 1.2, 1.4, 1.6, 2.1, 2.5, 3.5, 4.0, 5.0,
баҳоси 1 тонна учун 3 300 000 сўмдан бошлаб.



Конструкцияда фойдаланиладиган профиллар, ўлчамлари: 80х40х15, 100х40х15, 100х50х20, 120х60х20, 140х60х20, 160х70х20, 180х70х20, 200х70х20 ҳажмли, девор қалинлиги 2.0-4.0 мм., баҳоси 1 тонна учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

618/956

МЧЖ шаклидаги «Ирригация бўйича БМКБ» қўшма корхонаси

фойдаланишда бўлган, пахта толасидан ип йигирувчи техник жиҳатдан соз тўқимачилик жиҳозини сотади.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Ғалаба кўчаси, 1-уй, МЧЖ шаклидаги «Ирригация бўйича БМКБ» қўшма корхонаси.
Телефонлар: (8-371) 248-12-00, 248-15-01.

132A/39

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2014 йил 6, 8, 13 ва 15 май кунлари ўтказиладиган оммавий оферта савдоларига таклиф этади.

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қўйилмоқда:

Т/р	Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли	Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг		Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси	
		манзили	асосий фаолият йўналиши	сўм	АҚШ доллари
1.	«REGISTON PLAZA» МЧЖ	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Шоҳруҳ кўчаси, 53-уй	Жамият уставида халқаро меҳмонхоналар андозаларига жавоб берадиган меҳмонхоналар қуриш, қайта қуриш ва ундан фойдаланиш, меҳмонхона ишлари бўйича хизматлар мажмуини кўрсатиш, маблағларни меҳмонхоналар, савдо ва сайёҳлик, қурилиш индустрияси каби турли лойиҳа ва дастурларга йўналтириш, вакиллик, агентлик, реклама, маркетинг (шу жумладан, қимматли қоғозлар бозорида), маслаҳат хизматларини ташкил қилиш, белгиланган тартибда қонун билан тақиқланмаган бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши белгиланган	32 048 589 000,0	17 384 642,80
2.	«XORAZM PALACE» МЧЖ	Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Абу Райҳон Беруний кўчаси, 2-уй		22 984 062 000,0	12 467 622,46
3.	«FARG'ONA KIMYO ZAVODI» МЧЖ	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Нозим Ҳикмат к., 15-уй	Пахта целлюлозаси ва бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда қадоқлаш	59 154 993 600,0	29 003 232,79
4.	«ASAKA MAK» МЧЖ	Андижон вилояти, Асака шаҳри, Т. Алиева кўчаси, 5-уй	Макарон ва макарон маҳсулотлари, ун ва ун маҳсулотлари ҳамда бошқа турдаги халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш	4 461 829 000,0	2 301 572,78
5.	«SOG'DIANA PIPEPLAST» МЧЖ	Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй	ПВХ ва полиэтиленлардан фитинглар тайёрлаш, пластмассадан буюмлар ишлаб чиқариш, полимерлардан қадоқлаш буюмларини ишлаб чиқариш, иккиламчи хом ашёларни йиғиш ва қайта ишлаш	3 168 645 000,0	1 553 561,97
6.	«GAZALKENT STONE» МЧЖ	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Заводская кўчаси, 1-уй	Саноат ва халқ истеъмол қурилиш хом ашёларини ва қурилиш-пардоз буюмларини (мармар ва гранит плиталар, декоратив мармар мебели) ишлаб чиқариш	5 820 000 000,0	2 853 500,69
7.	«ASIA SOKATO» МЧЖ	Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 12-уй	Минерал сув ва газланган ичимликларни ишлаб чиқариш	1 472 800 000,0	722 102,37
8.	«ASIA PIPEPLAST» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 327-«Б» уй	Жамият уставида металл бўлмаган центрифуга труба GFKларни ишлаб чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикаси ҳамда ундан ташқари ҳудудларда сотиш орқали даромад кўриш ва бошқа фаолиятларни амалга ошириш белгиланган	49 136 500 000,0	26 653 919,18
9.	«VODIY MUZQAYMOG`I» МЧЖ	Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 5-уй	Музқаймоқ (эскимо)нинг кенг турдаги маҳсулотларини ишлаб чиқариш	1 076 709 000,0	527 902,04

Оммавий оферта шартлари.

Оммавий оферта ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Ўзмиллийбанк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объектлар фаолиятни тиклаш мақсадида киритиладиган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлиқ тўланиши шарти билан сотилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), оммавий оферта савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Оммавий оферта савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

* юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

* жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

* икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Оммавий оферта савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдоларга қўйилаётган «Registon plaza» МЧЖ, «Xorazm palace» МЧЖ, «Farg`ona kimyo zavodi» МЧЖ ва «Asia pipeplast» МЧЖ улушлар бошланғич нархларининг 2 фоизи миқдорида, «Asaka mak» МЧЖ, «Sog'diana pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent stone» МЧЖ, «Asia sokato» МЧЖ ва «Vodiy muzqaymog`i» МЧЖ улушлар бошланғич нархларининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Оммавий оферта савдоларига тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).

Мурожаат учун манзил ва алоқа воситалари:

Сотувчи (банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй. Телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60. Тел./факс: (8-371) 234-43-31.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефон: (8-371) 233-02-49. Тел./факс: (8-371) 233-23-40. Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Гувоҳнома № 005357.

526R/40

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02

«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 2013 йил 21 августдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўксарой» ҚФЙда жойлашган, «Mavlonbek Alibek» МЧЖга қарашли, ер участкасининг майдони 5,74 гектардан иборат, литер 0001 дан литер 0026 гача бўлган ферма бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 833 531 140 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 18 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko`p tarmoqli ko`chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.

Хизматлар лицензияланган.

524R/562

Тошкент Тиббиёт академияси жамоаси ва касаба уюшмаси академия ректори, академик Ш. И. Каримовга опаси
Раъно Ибрагимовна БАБАЯРОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ФАХР

Қувалик Исломжон Азимов жанговар самбо бўйича жаҳон суперкубоги мусобақасида олтин медални қўлга киритди.

Голиб

Курашчан инсонга ғалаба ёрдир,
Мағлубсан, бир четда тураверсанг тек.
Рақибларни ҳалол енгиб бирма-бир
Исмингга муносиб бўлдинг, Исломбек!

Истиқлол фарзанди етук, баркамол.
Нусрат битилгандир Лавҳул-маҳфузда.
Темурий юракда ёлқинланар ёл,
Олов шуъласи бор жуфт қора кўзда.

Ерда ҳам, отда ҳам курашиб келган
Ёвқур боболарнинг довруғи дилда.
Ўзбекнинг орини соврин деб билган
Паҳлавон Маҳмудлар бордир бу элда.

Шоҳсупада чақнаб турган юртдошим,
Сарбаланд бўлибсан, дунёларга боқ!
Мен сенга боқаман, кўзимда ёшим:
Бир улуғ мураббий бергандир сабоқ...

Ҳаёт улкан кураш майдони асли,
Ё пирим, деб кўкка ларзалар солиб
Курашга кираркан истиқлол насли,
Бу авлод музаффар, ҳамиша ғолиб!

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон Республикаси халқ шоири.

Миллий таомларимиз шуҳрати

Ўзбекистон ошпазлар уюшмасининг бир гуруҳ аъзолари Бухарест шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон ошпазлик анъаналари конгрессида (WCCT) муваффақиятли иштирок этиб қайтишди.

АНЖУМАН

Жаҳон бош ошпазлар ҳамжамияти уюшмаси ҳамда Руминия Миллий сайёҳлик ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда элликдан ортиқ мамлакат вакиллари ўз миллий таомлари, анъана ва урф-одатларини намойиш этдилар. Биринчи жаҳон ошпазлик анъаналари конгрессида ўзбекистонлик пазандаларнинг ҳам иштирок этгани уларнинг халқаро майдонда эришган муҳим ютуқларидандир. Эътиборли томони шундаки, Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси ҳузурида ташкил этилган Халқаро ўзбек пазандачилик санъати маркази битирувчилари Ширин Алимова, Ражив Зокиров ва Абдулазиз Абдумавлонов бошқа давлатларнинг тажрибали ошпазлари билан муносиб рақобатлашди.

Ошпазларимиз “Black Box” (“Қора қути”) танловида учинчи ўринни эгаллаб, медаль ва дипломлар билан тақдирланишди.

Гўзал РАҲМОНОВА.

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН ●

Республика аҳолиси диққатига!

«FPI-DELIVERY SERVIS» МЧЖ

боғдорчилик, иссиқхона ҳамда томорқада экин қатор ораларига ишлов бериш учун мўлжалланган, ёнилғи тежайдиган, ихчам ва қулай, ишлаб чиқариш қуввати юқори бўлган

«TIGUAN»

русумли мотокультиваторларни таклиф этади.

Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Маҳсулот сертификатланган.

Мурожаат учун телефонлар:
(+99894) 160-27-24, (+99890) 176-81-45.
Факс: (8-371) 234-62-45.

177A/1163

Электрон хазина

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Университетимиз қошида бундай электрон кутубхонанинг ишга туширилиши китобхонлар учун қатор қулайликлар туғдирди. Шунинг баробарида, ўқувчилар, айниқса, ёшлар, ушбу ҳудудда истиқомат қилувчилар интеллектуал ва маданий эҳтиёжларини юқори даражада қондириш имкониятига эга бўлдилар.

Таъкидлаш керакки, ҳар бир соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллаган, салоҳиятли кадрларга эҳтиёж юқори бўлади. Шу боис ҳам тизимга АКТни жорий этиш жараёнида кутубхона фаолиятининг самарали бўлишини таъминлаш мақсадида ходимларимизнинг малакаси оширилди, кореялик мутахассислар ёрдамида янгича тизимда ишлаш услубияти ўргатилди. Айни пайтда университет ахборот-ресурс марказида мавжуд 300 минг нусхадан ортиқ дарслик, 450 мингга яқин ўқув қўлланма, 11 мингдан ортиқ илмий адабиётлар, шунингдек, 3,5 мингга яқин чет эл адабиётини электрон кутубхона тармоғига улаш ишлари давом этмоқда. Агар мавжуд адабиётлар, ҳужжат ва монографиялар тўлиқ электрон нусхага ўтказилса, нафақат ўқувчига, балки кутубхона ходимлари учун ҳам кўплаб қулайликлар юзага келади. Ўз-ўзидан аёнки, бундай шароитлар замирида ўқувчиларнинг миллий ва хорижий ахборот-кутубхона фондларидан эркин фойдаланиш, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, замонавий ахборот-ресурс маркази сифатида самарали фаолиятини таъминлаш ётибди.

Электрон кутубхона марказида жамланган дурдоналар ўқувчиларни жаҳон адабиёти хазинаси билан таништириш, дунёда кечаётган фан янгиликлари ва воқеликлардан хабардор этиш, энг асосийси, билим ва салоҳиятларини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Зеро, қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, китоб билан ошно тутинган инсонларнинг қалбида ҳамиша эзгулик яшайди.

Иброҳим ЙЎЛДОШЕВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ахборот-ресурс маркази директори, филология фанлари доктори, профессор.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Сержантларга дипломлар топширилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг ички ишлар идораларининг фаолиятини янада такомиллаштиришга йўналтирилган Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ички ишлар идоралари мутахассисларини тайёрлашни такомиллаштиришга доир қарори билан Академияда Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар ташкил этилиши бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширди. Ҳозир бу ерда криминалистика маркази, ўқув-дала машқ майдони, компьютер ва лингафон хоналари мавжуд. Уларнинг барчаси зарур ўқув жиҳозлари ҳамда замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан тўла таъминланган. Ўтган даврда Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларида 18 та йиғин ўтказилиб, 10 мингдан зиёд сержантлар жазони ижро этиш, ёнғин хавфсизлиги, йўл-патруль, патруль-пост хизмати, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, қўриқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўналишларида малака оширди. Айни чоғда улар юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида самарали меҳнат қилишмоқда.

— Бугунги тезкор замонда ички ишлар органлари ходимлари, хусусан, сержантлардан жуда катта билим ва тажриба талаб этилади, — дейди Олий курслар гуманитар ва ижтимоий-ҳуқуқий фанлар цикли бошлиғи, полковник З. Умаров. — Шундан келиб чиқиб, тингловчиларга таълимнинг илғор усуллари асосида ҳуқуқий, сиёсий, маърифий билимлар берилди, жисмоний жиҳатдан янада шаклланишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Албатта, бу уларнинг юрт тинчлиги ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аҳоли ўртасида соғлом муҳитни қарор топтириш борасидаги фаолиятларида қўл келади.

— Ўқув жараёнида билимларимизни мустаҳкамлаш баробарида, ушбу йўналишдаги энг илғор тажрибаларни ўзлаштирдик, — дейди кичик сержант Ш. Тўлаганов. — Айниқса, ҳуқуқшунос, сиёсатчи ва иқтисодчилар, умуман, малакали мутахассислар томонидан замонавий педтехнологиялар асосида берилган билимлар вазифамизни юқори даражада бажаришимизда айни муддаодир.

Тадбирда Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари битирувчиларига дипломлар топширилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Санъаткорлар билан учрашув

Термиз давлат университетида Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги олдидан тадбир ўтказилди.

ТАДБИР

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, театрнинг таниқли актёрлари, университетнинг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Учрашувда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида маданият ва санъат, хусусан, театр санъатига берилаётган эътибор ҳамда ғамхўрлик ҳақида фикр юритишди. Тадбирда саҳна асарларидан парчалар намойиш этилиб, шеър ва ғазаллар ўқилди. Айни пайтда бундай тадбирлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ 22 МАРТДАН 28 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар шакли ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 5 мартдаги 01/27-26/07-сонли қарори.*

2014 йил 26 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1860-1 (2014 йил 31 мартдан кучга кирди).

2. «Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 5 мартдаги 01/27-26/08-сонли қарори.*

2014 йил 26 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2236-1 (2014 йил 31 мартдан кучга кирди).

3. «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 5 мартдаги 01/27-26/09-сонли қарори.*

2014 йил 26 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1840-1 (2014 йил 31 мартдан кучга кирди).

4. «Ўзбекистон Республикаси валюта бозорида операцияларни амалга ошириш тартиби, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 14 мартдаги 7/2-сонли қарори.*

2014 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 467-4 (2014 йил 31 мартдан кучга кирди).

5. «Уюшган биржадан ташқари бозорда қимматли қоғозлар олди-сотдисига доир битимларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Бош директорининг 2014 йил 4 мартдаги 2014-13-сонли буйруғи.*

2014 йил 28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1384-5 (2014 йил 31 мартдан кучга кирди).

6. «Жамоат фойдаланиш жойларида Интернет тармоғидан ахборот олиш имконини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2014 йил 19 мартдаги 79-мҳ-сонли қарори.*

2014 йил 28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1393-3 (2014 йил 31 мартдан кучга кирди).

7. «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 20 мартдаги 21, 2014-11-сонли қарори.*

2014 йил 28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1807-3 (2014 йил 31 мартдан кучга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси валюта бозорида операцияларни амалга ошириш тартиби», 1–3-сон ўзгартиришлар *(рўйхат рақами 467, 1998 йил 3 август), (рўйхат рақами 467-1, 1999 йил 4 июнь), (рўйхат рақами 467-2, 2000 йил 15 сентябрь), (рўйхат рақами 467-3, 2009 йил 12 февраль). Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирининг 2014 йил 27 мартдаги 80-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши

мамлакатимизда мустақиллик йилларида инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ижобий ўзгаришлар ва бунёдкорлик ишлари, барча соҳа ҳамда тармоқларда амалга оширилаётган техник ва технологик янгиланиш ҳамда модернизация жараёнлари, қабул қилинаётган Давлат дастурларининг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва қадр-қимматини кенг жамоатчиликка етказиш, бу борада амалга оширилаётган ишлар тарғиботига муносиб ҳисса қўшиш, оммавий ахборот воситалари ходимларини инсон манфаатларини таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ишларни янада кенг ёритишга жалб этиш мақсадида журналистика соҳасида «Инсонга наф келтириш — олий бахт» республика анъанавий танловини ўтказади.

Мазкур танловга 2013 йилнинг 1 июнидан 2014 йилнинг 1 июнигача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган, телевидениеда намойиш этилган ва интернет нашрларида эълон қилинган материаллар 2014 йилнинг 5 июнигача қабул қилинади.

Танловга тақдим этиладиган журналистик материалларда мустақиллик йилларида юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни тарбиялаш, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик барқарорлигини таъминлаш, ижтимоий, маънавий ва маърифий соҳаларда энг юқори натижаларга эришиш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг, аввало, инсон манфаатларига йўналтирилганлиги чуқур таҳлил орқали очиб берилиши лозим.

Материалларда, хусусан, қуйидаги масалалар ёритилганлигига эътибор қаратиш зарур:
— давлат ва нодавлат ташкилотларининг ижтимоий шериклик асосида инсон манфаатлари ва фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлари уйғунлиги;
— демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан, муносиб тарзда меҳнат қилиш, дам олиш, ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш каби қонуний манфаатлари ҳимояси;

Диққат, танлов!
ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА
«ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ»
РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

— жамоатчилик назорати;
— касаба уюшмаларининг ижтимоий шериклик асосида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги фаолият йўналишлари;
— маданий-маърифий, спорт ва соғломлаштириш;
— ҳомийлик ҳамда хайрия ишлари ва бошқалар.

Танлов ғолиблари оммавий ахборот воситаларининг қуйидаги йўналишлари бўйича аниқланади:
— босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг яхши журналистик материал (газета ва журналлар — 1, 2, 3-ўринлар);
— электрон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг яхши журналистик материал (телевидение, радио, интернет журналистикаси — 1, 2, 3-ўринлар).

Шунингдек, ушбу йўналишларнинг ҳар бири бўйича учтадан рағбатлантирувчи мукофот таъсис этилган.

Танлов ғолиблари ва рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар 5 тадан кам бўлмаслиги керак.

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши лозим.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши зарур.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши зарур:
— муаллиф ва унинг иш жойи, журналистик фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
— муаллиф паспорти нусхаси;
— муаллиф манзили ва боғланиш телефонлари.

Танлов ғолибларини тақдирлаш тадбири 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни тантанали равишда ўтказилади.

Материаллар «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига деб кўрсатилган ҳолда, қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, 4-қават, 4-хона.

Телефонлар: (8-371) 256-52-79, 252-21-18.
E-mail: pressa@kasaba.uz

532R/257

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 469. 121 542 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5